

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАЕВ МУТАЛИБ ЖЎРАЕВИЧ

**ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ТАФАККУРИНИ ТАРБИЯЛАШДА
МАКТАБ, ОИЛА ВА МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.01-Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз - 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Мирзаев Муталиб Жўраевич

Ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда
мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлик технологиялари.....3

Мирзаев Муталиб Жўраевич

Технологии сотрудничества школы, семьи и махалли в воспитании
духовного мышления у учащейся-молодежи23

Mirzayev Mutalib Jurayevich

The technology of interaction between school, family and the mahalla in the
education of young students in the development of spiritual thinking45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works49

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАЕВ МУТАЛИБ ЖЎРАЕВИЧ

**Ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда
мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлик технологиялари**

13.00.01-Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз -2021

Филсофа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.3.PhD/Ped1078 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.letsu.uz) манзилга ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худойқулов Хол Жумаевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Олимов Ширинбой Шарофович
педагогика фанлари доктори, профессор

Хайдилов Мамат Эшқулович
педагогика фанлари доктори, профессор

Ётақчи таъшилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 8 » 10 соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 190111, Термиз ш., Барқамол авлод кўчаси, 43.Тел.:(376) 221-74-55; факс:(376) 221-71-17; e-mail: ternizdv@mail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университети: Ахборот-ресурс марказида танишши мумкин (26 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз ш., Барқамол авлод кўчаси, 43. Тел.:(376) 221-74-55.).

Диссертация автореферати 2021 йил « 28 » 09 кунги тарқатилди.
(2021 йил « 28 » 08 даги 12 - рақамли регистр баённомаси).


Чириев И.Т.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор


Бозорова М.К.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент


Уралбаева И.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қопидаги илмий семинар раиси
ўринбосари, ф.-м. ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон миқёсида юксак маънавий тафаккурга эга бўлган ёшларни тарбиялаш ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлиб, уларни ҳал этишда оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги асосида шахсининг маънавий тафаккурини ривожлантириш устуворлик қилмоқда. Шу жиҳатдан ёшларда ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилиқ, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилиқ, масъулиятлилиқ, бағрикенглиқ, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби фазилатларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро тажрибалар асосида аҳолининг фарзанд тарбияси бўйича билимларини, педагогик маданиятини ошириш, фуқароларни узлуксиз маънавий тарбиянинг жаҳон тажрибасида синовдан ўтган самарали педагогик технологиялари, усуллари ва амалга ошириш шакллари билан мунтазам таништириш долзарб муаммо сифатида эътироф этилмоқда. Шу нуқтаи назардан, оилада ёшлар маънавий тафаккурни тарбиялашда маданий-тарихий анъаналар, урф-одатлар ҳамда умуминсоний кадриятларга асосланган самарали ташкилий-педагогик механизмларни ишлаб чиқиш, ҳамда тарбия жараёнини инсонпарварлаштиришнинг устуворлигини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ёшларимизнинг дунё ёшлари билан илм-фан, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда фаол иштироки, уларнинг ўз истеъдодларини намоён қилишлари учун катта имконият яратилмоқда. “Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш»¹ муҳим аҳамиятга эга. Бу борада маънавий тафаккур эгаси бўлган қобилиятли, билимли ўқувчиларни аниқлашда шаффофликни таъминлаш, ихтисослашган умумтаълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, «Президент мактаблари»ни, математика институти ва инновацион марказнинг ташкил этилиши, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятга эга педагогик жамоасини умумтаълим мактабларида иқтидорли, юксак маънавий тафаккур эгаси бўлган ўқувчиларга илм-фанни эгаллашнинг самарали усуллари ва методларидан фойдаланишга ўргатишни кечиктириб бўлмайдиган масалалар қаторига киритди.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон фармони.

тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 майдаги 4306-сон “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 20 февралдаги 4199-сон “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 9 январдаги 9-сон “Ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларнинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан М.Очилов, М.Иномова, М.Тохтаходжаева, У.Маҳкамов, О.Мусурмонова, Х.Худойқулов, Б.Қодиров, О.Ҳайитов, А.Кенжабоев, М.Бозорова, Э.Ғозиев, Ғ.Шоумаров, А.Мунавваров, В.Каримова, М.Мирҳосилов, Н.Соғиновларнинг илмий-тадқиқот ишларида маънавий тафаккурни тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини таъминлашнинг айрим психологик-педагогик масалалари ёритиб берилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан А.Буров, М.Верба, Е.Квятковский, Б.Лихачев, Г.Болховский, Н.Ветлугина, О.Богданова, К.Гавриловец, О.Иващенколарнинг тадқиқот ишларида ўқув-ёшларни маънавий маданиятини шакллантириш, таълим ташкилоти ва ижтимоий институтларнинг ҳамкорлигини ташкил этишнинг интегратив технологиялари тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан Э.Эиснер, Р.Смит, Р.Шустерман, П.Парриш, Ҳ.Фаирбанк, М.Ҳолзер, А.Гулла кабиларнинг илмий изланишларида маънавий салоҳият, маънавий компетенцияларни шакллантиришнинг рефлексив технологияларининг мазмун-моҳияти очиб берилган.

Ўқувчи ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини таъминлаш бўйича муайян тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, бироқ мазкур жараённи технологиялаштириш махсус тадқиқ этилмаган. Шунингдек, янги ренессанс педагогикаси талаблари мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-002 “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни

шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2020 йй.) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлик технологияларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини ривожлантириш мезонлари ҳамда кўрсаткичларини аниқлаштириш;

ўқувчи-ёшларда маънавий тафаккурни тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини ривожлантиришнинг интегртив технологияларини такомиллаштириш;

ўқувчи-ёшларда маънавий тафаккурни тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлик технологияларини қўллаш самарадорлигини оширишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари умумий ўрта таълим мактабларининг 852 нафар ўқувчиси иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини ривожлантириш мазмуни, шакли, методи ва технологиялари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда меъёрий-хукуқий, ўқув-методик адабиётларни ўрганиш, педагогик кузатиш, анкета, суҳбат, тест, интервью, лойиҳалаш, моделлаштириш, педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини ривожлантиришнинг когнитив, аффектив, хулқ-атвор мезонлари ҳамда интегртив тавсифга эга кўрсаткичлари узлуксиз маънавий тарбияни ташкил этишга қўйиладиган талабларнинг компетенциявий ёндашув билан бевосита ва билвосита алоқадорлиги барқарорлигини таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

ўқувчи-ёшларда маънавий тафаккурни тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини ривожлантириш моделининг амалий компоненти жараён субъектларининг тарбиявий фаолиятини интеграциялаш, социумнинг салбий таъсирини коррекциялашга доир қисқа ва ўрта муддатли фокус-тренингларни тактик жиҳатдан мақбул лойиҳалаш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини ривожлантиришнинг имитацион ва ноимитацион тавсифга эга интегртив технологиялари миллий тарбия усуллари ҳамда

инновацион тарбия шаклларини кооператив қўллашга доир муаммоли, аналитик, амалий вазиятларни адаптив шароитларда мослашув даражасини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчи-ёшларда маънавий тафаккурни тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлик технологияларини қўллаш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ тарбия фани бўйича дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этишнинг интерактив шаклларини қўллаш, кооперативликка устуворлик бериш асосида тарбиявий ишлар тизимида оила ва маҳалла ҳамкорлигини вертикал ҳамда горизонтал асосда бойитишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчи-ёшларнинг маънавий тафаккури ривожланганлигини баҳолашга доир диагностик воситалар ишлаб чиқилган;

“Ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлик технологияларининг назарий ва амалий асослари” номли методик қўлланма нашр этирилган;

ўқувчи-ёшларнинг маънавий тафаккурини тарбиялашга доир тадбир ишланмалари яратилган;

ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлик технологияларини такомиллаштиришга доир илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини ривожлантиришнинг когнитив, аффектив, хулқ-атвор мезонлари ҳамда интегратив тавсифга эга кўрсаткичларининг аниқлаштирилганлиги, ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини самарали амалга ошириш омилларининг ёритиб берилганлиги, миллий тарбия воситасида ўқувчиларда маънавий тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик имкониятларининг очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўқувчи-ёшларда маънавий тафаккурни тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини ривожлантириш модели, интегратив технологиялари, ўқувчи-ёшларнинг маънавий тафаккурининг ривожланганлигини баҳолашга доир диагностик воситаларнинг ишлаб чиқилганлиги, ўқувчи-ёшларда маънавий тафаккурни тарбиялашнинг интерактив шаклларида фойдаланиш йўллариининг такомиллаштирилганлиги, ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлик технологияларини

такомиллаштиришга доир илмий таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлик технологиялари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини ривожлантиришнинг когнитив, аффектив, хулқ-атвор мезонлари ҳамда интегратив тавсифга эга кўрсаткичларини узлуксиз маънавий тарбияни ташкил этишга қўйиладиган талабларнинг компетенциявий ёндашув билан бевосита ва билвосита алоқадорлиги барқарорлигини таъминлаш асосида аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 июндаги 89-03-1967-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини миллий фазилатларга устуворлик бериш асосида ривожлантиришга хизмат қилган;

ўқувчи-ёшларда маънавий тафаккурни тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини ривожлантириш моделининг амалий компоненти, имитацион ва ноимитацион тавсифга эга интегратив технологияларини такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Умумий ўрта таълим мактабларида “Тарбия” фанини ўқитиш Концепцияси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 июндаги 89-03-1967-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчи-ёшларда ижтимоий компетенцияларни таркиб топтириш орқали уларнинг маънавий тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилган;

ўқувчи-ёшларда маънавий тафаккурни тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлик технологияларини қўллаш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ тарбия фани бўйича дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этишнинг интерактив шакллари қўллаш, кооперативликка устуворлик бериш асосида тарбиявий ишлар тизимида оила ва маҳалланинг ҳамкорлигини вертикал ҳамда горизонтал асосда бойитишга доир таклиф ва тавсиялардан ПЗ-20170927124. “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” (2018-2020 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 июндаги 89-03-1967-сон маълумотномаси). Натижада, мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини ривожлантиришнинг интегратив технологиясини қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, 1 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик

диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, 8 параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 128 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлик технологияларининг назарий асослари»** деб номланган бўлиб, унда ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигининг бугунги таълим-тарбия ривожланишидаги сиёсий, тарихий ўрни ва аҳамияти бўйича маълумотлар берилиб, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин тарихан қисқа вақт ичида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда катта ютуқлар қўлга киритилганлиги таъкидланган. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги «Таълим тўғрисида»ги ЎРҚ-637-сон қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5847-сон фармонида мувофиқ, шунингдек, олий таълим тизимида таълим сифатини ошириш, бўлажак кадрларни тайёрлашда оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини, уларнинг фаоллигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан эканлиги, шунингдек, таълим-тарбия ривожланишидаги сиёсий, тарихий ўрни ва аҳамиятини ўрганишнинг зарурий эҳтиёжи давлат сиёсати даражасига кўтарилган масала эканлиги кўрсатилган.

Маънавият – инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий, руҳий, интеллектуал фазилатлар мажмуаси. Мушоҳада қилиш ақл пешланишига олиб келади. Ақл онгни сақлайди. Онг эса моддий ва маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон секин-аста такомиллашиб, комилликка эришиб боради. Жамият маънавиятсиз бўлмаслиги, ҳар қандай юксак жамият таракқиёти маънавий тафаккур ва инсон онгининг юксаклиги орқали барчага маълум. «Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг куч қудрати. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди» - дейди халқимиз.

Тафаккур эса инсон онгидаги мавжуд илмий ва ҳаётий билимлар мажмуаларидан керагини саралаб олиш ва амалиётда қўллашдир дейилса,

Психолог Э. Ғозиев бу борадаги фикрларини шундай ифодалайди: «Тафаккур атроф-муҳитдаги воқеликни нутқ ёрдами билан бевосита, умумлашган ҳолда акс эттирувчи психик жараён, ижтимоий-сабабий боғланишларни англашга, янгилик очишга ва башорат қилишга йўналтирилган ақлий фаолиятдир»².

Президент Ш.М. Мирзиёев бу масалага катта аҳамият бериб келмоқда. Чунки мустақиллигимизнинг уч таянчи: яъни мустақил миллий сиёсат, иқтисодий қудрат ва халқ маънавияти бир-бирига боғлиқ бўлиб, уларнинг ўзаро уйғун ривожланиши таъминланган бўлиши лозим. Шу боис маънавий тафаккур инсон омилларининг асоси ҳисобланади. Уни қанча тўғри тарбияласак ва бу борада ҳамкорлик қилсак, янада юксак натижаларга эришишимиз мумкин. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб давлат сиёсати миқёсида ёшларда маънавий баркамолликни маънавий меросга, диний қадриятларга садоқатлилиқни миллатни ўз-ўзини англашига, миллий ғурур ва ифтихорга алоҳида аҳамият берган ҳолда, таълим -тарбия беришга бош масала сифатида қаралди. Бу борада сиёсатнинг маънавият билан боғлиқлиги алоҳида аҳамиятга эга. Бизнинг энг қадимий аجدодларимиз маънавий ва маърифий маълумотларни ўз асарларида шунингдек, миф, афсоналар ва қадимий ёзувларда сақланиб, уларнинг кўпчилиги бизгача етиб келган. Шу асосда бахт ўлкаси ёки бахтсизлик ўлкаси деган мифлар юзага келган. Яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасида кураш пайдо бўлди. Буни биз зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам кўришимиз мумкин.

Маълумки, ҳар бир миллатнинг ўз афсонавий қаҳрамонлари, ўзи севиб ардоқлайдиган паҳлавонлари бўлади. Ўз ижодий ишлари билан из қолдирган аждодларимиз Аҳмад Фарғоний, Мусо Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, ибн Сино, Маҳмуд Замахшарийларнинг маънавий мероси ёшлар маънавий тафаккурининг негизи ҳисобланади ва унинг ривожланишига катта таъсир ўтказади.

Шахс маънавиятини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари турли ёшдаги таълим олувчининг маънавий маданияти, миллий ва умуминсоний қадриятлар, оила имкониятларидан самарали фойдаланиш масалалари Ж.Туленов, А.Т.Тилегенов, М.О.Иномова, Т.Махмудов, Р.Маматқулова, С.Нишонова, Н.Ортиқов, Ш.А.Атаджанова, М.Очилов, Қ.Р.Шоназаров, Г.И.Махмутова, О.М.Ғайбуллаев, З.Т.Нишонова, Ш.Қ.Марданов, Г.Ж.Туленова, Д.И.Рўзиева, Ш.С.Шодмонова, О.Р.Жамолиддиновалар томонидан ўрганилган.

Умумтаълим мактаб ўқувчиларида маънавий тафаккурни тарбиялаш масалалари юзасидан мамлакатимиз олимлари Э.Ғозиев, С.Атамуратов, О.Мусурмонова, М.Қурононов, У.И.Махкамов, З.К.Қурбонниёзова, Б.Р.Адизов, Ф.Р.Норбоева, Х.Ж.Худойкулов, Б.Х.Ходжаевларнинг илмий тадқиқот ишларида маънавий тафаккурни тарбиялашда мактаб, оила, жамоатчилик ва маҳалла ҳамкорлиги масалалари, унинг узвийлиги таҳлил этилган.

² Ғозиев Э. Умумий психология. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. - Т., 2010. - 460 бет.

Ҳар қандай жамиятда ҳам буюк давлатнинг барпо этилиши, ёшларнинг маънавий тафаккурини қандай бўлишига ва қандай тарбия олишига боғлиқ. Таниқли ўзбек педагоги Абдулла Авлоний «Илм инсон учун – ғоят олий ва муқаддас бир фазилат. Зеро, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатларимизни ойна каби кўрсатур»³ - деб ёзган эди. Шундай экан, ўқувчи-ёшларни маънавий тафаккурини тарбиялаш умумдавлат аҳамиятига молик масала ҳисобланиб, ҳар қандай жамиятни, оилани ва таълим масканидаги ўқитувчи ва мураббийлар олдида қўйилган муҳим талаб ҳисобланади ҳамда ота-она олдидаги тарбия масъулиятини оширади. Истиқлол мафкурасининг негизида ёш авлодни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш, ёшларни миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий онг ва ўз-ўзини англаш, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришни тақозо этади.

Ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигининг мавжуд ҳолатини таҳлил қилишда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- тажриба-синов майдонларини белгилаш ва педагогик шарт - шароитларнинг мавжудлигини ўрганиш;
- тажриба ишларига малакали педагог-методистларни жалб этиш;
- тавсия этилаётган методика самарадорлигини таҳлил қилиб бориш.

Дастлаб тажриба-синов олиб бориш учун белгиланган маҳалладаги оила ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик жараёни, дарс ва дарсдан ташқари ўтказиладиган тарбиявий тадбирлар, айниқса, маънавий тафаккурни тарбияланганлик даражаларининг имкониятларини ўрганишга ҳаракат қилинди.


Диссертациянинг иккинчи боби **«Ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигидан фойдаланишнинг шакл ва методлари»** деб номланган бўлиб, унда ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда ахборот технологияларидан фойдаланаишнинг ўзига хос хусусиятлари; дарсда ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигининг шакл ва методлари ҳамда ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда маънавий-маърифий ишлари бўйича ўтказиладиган тадбирлар таҳлил қилинган.

Ўқувчи-ёшларнинг маънавий тафаккурини тарбиялашда замонавий ахборот технологиялари орқали мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятларини йўлга қўяр эканмиз, бу борада ахборот технологияларининг ижобий ва салбий томонларига эътибор бериш ниҳоятда зарур. Шунингдек, китобхонлик ҳам маънавий тафаккурни ўстиришда муҳим аҳамиятга эга. «Китоб», «китобхонлик», «кутубхона» сўзларининг ўзаги аслида арабчадан олинган ва бир мақсадга, яъни инсон маънавиятини бойитишга хизмат қилади. Китоб-туганмас хазина, ундан олган билимларимизни охиригача ҳам сарфлай олмаймиз. Инсоннинг ундан яқин ҳамроҳи, дўсти, маслаҳатчиси йўқ. Негаки, у ақлни пешловчи қайроқ. Китоб -

³ Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: Ўқитувчи, 1992. - 160 б

тафаккур манбаи бўлгани учун ҳам халқимиз уни нондай азиз, муқаддас деб эъзозлаб қадрига етади, севиб мутолаа қилади. Китобхонлик инсонни ҳаётий муаммоларига ечим топишга, одиллик, адолатлилик, бағрикенглик, инсонпарварлик каби фазилатларнинг юксалишида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирда ахборот технологиялари ёрдамида турли усулларда олиб борилаётган хуружларнинг асл мақсади инсон қалби ва онги учун курашга қаратилган. Бу жараёнини учта асосий босқичдан иборат, деб айтиш мумкин (1 -расм).



1-расм. Ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда ахборот технологияларининг ўзига хос хусусиятлари.

Ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда унга таъсир этадиган барча соҳадаги ўзгаришлар ва янгиликлар ҳаётда кўзга ташланади. Ўқувчи-ёшларни имон, виждон, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик сингари хислатларни шакллантириш, таълим-тарбия соҳасидаги асосий мақсадлар ҳисобланади. Ақлан етук, ахлоқий пок ва жисмонан бақувват, шунингдек, миллий масъулият туйғусини англаб етган ёшларни тарбиялаб, вояга етказган мамлакатгина мустақил ва барқарор ривожлана олади. Бу вазифанинг муваффақиятли бажарилиши оиладаги болаларнинг маънавий тафаккурини тўғри тарбиялашига ва ота-онанинг англаб етишига боғлиқдир. Оилада, энг аввало, боланинг соғлом ўсишига ва уни маънавий-ахлоқий тарбиялашга эътибор берилади.

Ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигига йўналтирилган тадбирлар ўз кўламига кўра умуммаҳалла, муайян оила ва белгиланган мактабларда амалга оширилади. Ушбу жараёнда ойлик ва йиллик тадбирлар режасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Мактабларда бу борада педагогик фаолиятни олиб бориш ва тадбирлар режасини ишлаб чиқишда уларнинг умуммаҳалла ҳамда муайян

оилада ўтказиладиган тарбиявий ишлар режаси, мазмуни ва йўналишига мос бўлишига эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккури, хусусан ахлоқий сифатларни шаклланишига хизмат қилувчи тадбирларнинг оммавий (жамоавий)ликка асосланиши, гуруҳли ёки якка тартибда амалга оширилишидан кўра кўпроқ таъсир кучига эга. Дарсда ва дарсдан ташқари машғулотлар ўқувчиларни камраб олиш кўламига кўра қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

1. Оилада ёшлар билан якка тартибда амалга ошириладиган тадбирлар.

2. Мактабда белгиланган синф ўқувчилари билан ташкил этиладиган тадбирлар.

3. Маҳаллада бир неча гуруҳлар билан ўтказилувчи тадбирлар.

Ўқувчи-ёшларни маънавий тафаккурини тарбиялашда маънавият ва маърифатни изчил амалга оширишнинг ўзига хос психологик-педагогик босқичлари мавжуд. Аввало, ижтимоий онг маънавий ҳис-туйғуни шакллантириш, унинг ҳаётда тутган ўрни ҳақида тасаввур, тафаккур таркиб топтириш; маънавий-ахлоқий тушунчалар, эътиқод, маънавий хулқ-атвор, кўникма, маърифий маданиятни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ёшларнинг маънавий тафаккурини тарбиялашда, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг тўртинчисидир. «Китоб – инсон маънавий оламини бойитишда улкан таъсирга эга бўлган воситадир»⁴ - деган эди Президент Ш.М. Мирзиёев. Шу мақсадда тажриба синов ўтказиш учун танлаб олинган маҳаллалардаги оилалар ва мактабларда ташкил этилган «Китоб – маънавият хазинаси» мавзусида ўтказилган тадбир минглаб ёшларни китобсеварлик ва китобхонликка ундаш билан бир қаторда жойларда бу борадаги тарғибот ишларини янада жонлантирди. Бу борада ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги технологиялари моделини сизга ҳавола этамиз (2-расмда).

Диссертациянинг учинчи боби «**Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва ўтказиш**», - деб номланган бўлиб, унда педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш мақсад ва вазифаларига тўхталдик.

Педагогик тажриба-синов ишлари умумий таълим мактабларининг 9-11-синф ўқувчилари бўйича ишлаб чиқилган бўлиб, унда мактаб ўқувчи-ёшлари маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги аниқланиб, уларни рўёбга чиқариш жараёни тажриба-синов дастури асосида амалий машғулотлар ҳамда мустақил таълим жараёнига татбиқ қилинди. Педагогик тажриба-синов ишлари Тошкент вилоятининг, Бўстонлиқ тумани 1- ва 26-; Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги 16-, 69-; Термиз шаҳридаги 12-,13- умумтаълим мактабларида 2016-2021 ўқув йилларида башорат қилиш, ташкилий-тайёргарлик, амалий ҳамда умумлаштирувчи босқичларда ташкил этилди ва амалга оширилди. Мавзуга

⁴ Мирзиёев Ш.М. Ёшларни ривожланишидаги беш ташаббус. – Т.: “Сиёсат”, 2019. – Б. 27.



2-расм. Ўқувчи-ёшлар маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги технологиялари модели.

оид илмий-методик адабиётларни ўрганиш, психологик-педагогик таҳлил қилиш, ўқув-методик, маънавий-маърифий, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, анъанавий ва инновацион тажрибаларни ўрганиш, тизимлаштириш, педагогик кузатувлар, лойиҳалаштириш, моделлаштириш; (эмперик; анкета; суҳбат; тест методи; интервью), педагогик тажриба-синов ва маълумотларга математик-статистик ишлов беришдан иборат бўлиб, улар босқичма-босқич амалга оширилди. Муаммони тадқиқ этиш 5 йил (2016-2021 йиллар) мобайнида қуйидаги боқичларда амалга оширилди:

Биринчи босқич (2016-2017 йиллар) тасдиқловчи, ижодий-креативлик босқичи бўлиб, унда тажрибанинг мақсади – умумтаълим мактаби ўқувчилари маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги механизмини такомиллаштиришдан иборат бўлиб, тажриба-

синов ишларини йўлга қўйиш билан текширилди, шакллантирувчи тажриба учун керакли материаллар ва усуллар танлаш орқали амалга оширилди.

Иккинчи босқич (2017-2018 йиллар) да аниқловчи-изланувчи тажриба-синов жараёни бўлиб, мақсад Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон тумани ва Термиз шаҳрида, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги умумтаълим мактабларида шакллантирувчи педагогик тажриба-синов ишларини йўлга қўйишдан иборат эди. Тадқиқот орқали умумтаълим мактаб ўқувчилари маънавий тафаккурини тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги технологияларини такомиллаштиришнинг шакл ва методларини ўрганиш, методик ишларни олиб бориш, синф ва синфдан ташқари машғулотлар учун топшириқларни ишлаб чиқишдан иборат деб белгиланди ва диссертацияда илгари сурилган илмий янгиликни амалиётда синаб кўриш, шарт-шароитларни аниқлаш, тажриба-синовни ташкил этиш ва якунланишини расмийлаштириш ҳамда тадқиқот ишида олинган натижаларни таълим тизимига жорий этишни кўрсатади.

Учинчи босқич (2019-2021 йиллар)да педагогик тажриба-синов репродуктив жараён ишлари амалга оширилди. Олинган маълумотлар математик-статистик методдан фойдаланиб амалий-методик статистик натижалар асосида тавсиялар ишлаб чиқилиб, натижалар асосида, тадқиқот натижалари умумлаштирилди ва диссертация шаклида расмийлаштирилди.

Педагогик тажриба-синовнинг амалий босқичида ўқувчиларнинг маънавий тафаккурини аниқлаш учун таъкидловчи, шакллантирувчи ҳамда назорат қилувчи бўлиб, синфларда параллел ва аралаш олиб борилди. Педагогик тажриба-синов 9-11-синф ўқувчилари учун алоҳида топшириқлар бўйича ишлаб чиқилди. Ўқувчилар қуйидагича баҳоланди: масалан, дастлабки тест натижалари бўйича; якуний тест натижалари бўйича. Дастлабки ва якуний тестлар 9-11-синфлар учун ишлаб чиқилган ва улар, баҳолаш мезонига кўра, қуйидагича баҳоланди: «Аъло», «Яхши», «Қониқарли», «Қониқарсиз» баҳо-топшириқнинг назарий ва амалий аҳамиятини чуқур ва атрофлича таҳлил эта олганлигига шунингдек, уни амалда қўллай олишига қараб баҳоланади. Демак, «Аъло», «Яхши», «Қониқарли» ва «Қониқарсиз» баҳолар ўқувчиларнинг маънавий онгидаги назарий билими, амалий кўникма ва малакаларини аниқлашда асосий мезон бўлиб ҳисобланади.

Педагогик тажриба-синов ишлари мобайнида 9-11-синфларнинг ўқувчилари учун маънавий тафаккур ва юксак онгли ўқувчиларни аниқлаш юзасидан педагогик тажриба-синовни ўтказиш дастури ишлаб чиқилди ҳамда фаолиятларини амалга ошириш имконияти яратилди. Педагогик тажриба-синов ишлар самарадорлигини ошириш натижалари ўрганилди ва таҳлил этилди. Тажриба-синов ишларининг дастлабки натижалари учун анкета-сўровномалар, якуний тестлар олиниб, қайд этиб борилди. Тажриба-синов натижалари 2018-2019 ўқув йилларида ўтказилган дастлабки анкета-сўровномада Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги 16-, 69-умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан 268 нафари, Термиз шаҳридаги 12-, 13-, умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан 276 нафари ҳамда Тошкент

вилоятининг Бўстонлик туманидаги 1-, 26-умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан 308 нафар. Жами 852 ўқувчи иштирок этди (1-жадвал).

1-жадвал

Тажриба-синовнинг дастлабки 2016-2017 ўқув йилида ўтказилган сўровнома ва суҳбат жараёнида экспериментал танланмадаги ўқувчилар сони.

Мактаблар	Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги		Термиз шаҳри		Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги		Жами
	16-мактаб	69-мактаб	13-мактаб	12-мактаб	1-мактаб	26-мактаб	
9-синф	48	43	37	59	63	58	308
10-сиф	45	45	59	40	54	42	285
11-синф	47	40	40	41	47	44	259
Жами	140/128		136/140		164/144		852


Дастлабки анкета-сўровномани ўтказишдан мақсад – ўқувчиларда маънавий тафаккурнинг ривожланиш ҳолати, мактаб, оила ва маҳаллаларда берилаётган маънавий тафаккур ва онгни ривожлантиришга қаратилган шарт-шароитларини аниқлашдан иборат эди. Педагогик тажриба-синов жараёнида 2018-2019 ўқув йилида экспериментал анкета-сўровномада қатнашган назорат ва тажриба синфларда ўқувчиларнинг танланма сони 2-жадвалда ўз аксини топган.

2-жадвал

Нazorат ва тажриба гуруҳлардаги ўқувчиларнинг танланма миқдори.

Мактаблар	Назорат синфлари	Тажриба синфлари	Умумий
Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги 16-мактаб	65	75	140
Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги 69-мактаб	60	68	128
Термиз шаҳридаги 13-мактаб	64	72	136
Термиз шаҳридаги 12-мактаб	66	74	140
Тошкент вилоятининг, Бўстонлик туманидаги 1-мактаб	80	84	164
Тошкент вилоятининг, Бўстонлик туманидаги 26-мактаб	70	74	144
Жами	405	447	852

2-жадвалда 2018-2019 ўқув йилида тажриба бошида ва тажриба якунида Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги 16- ва 69-умумий ўрта мактаби ўқувчиларидан 125 нафари назорат гуруҳларида ва 142 нафари тажриба гуруҳларида, Термиз шаҳри 12-, 13- ва умумий ўрта мактаби ўқувчиларидан 130 нафари тажриба синфларида ва 146 нафари назорат синфларида, Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани 1- ва 26-умумий ўрта мактаби ўқувчиларидан 150 нафари назорат синфларида, 154 нафари тажриба синфларида иштирок этишди. Мазкур ўқув йилида жами назорат синфларида 405 нафар, тажриба гуруҳларида эса 447 нафар ўқувчи тажриба-синовда қатнашди. Жами 852 нафар. Бундан кўринадики, тажриба-синов натижасида тажриба синфларида қуйи кўрсаткичлар анча камайган ва аксинча, юқори натижалар кўтарилган.



3-расм. 2019-2021 ўқув йилларида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг тажриба-синовда иштироки.

Жадваллардан кўринадики, ўқувчи-ёшларда маънавий тафаккурни тарбиялаш технологиялари борасида олиб борилган ишлар, тажриба-синов жараёни натижалари статистик маълумотларига асосан, самарали эканлиги таҳлил этилди. Бу шуни кўрсатадики, маънавий тафаккурни тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги асосида олиб борилган иш ва ҳар қандай маънавий тадбир ўқувчида ўз устида ишлаш ва онгли фикрлайдиган инсон сифатида шаклланиш имконини беради (3-расм).

